

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА КЕЧКИ МУДДАТДА ЭКИШ
УЧУН КАРТОШКАНИ НАВ ВА НАМУНАЛАРИ ТАНЛАШ**

Ахмадалие Аббосбек

*Ассистент Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар
институтини “Интенсив сабзавотчилик, боғдорчилик,
узумчилик ва иссиқхона хўжалиги” кафедраси
Андижон, Ўзбекистон*

**Подбор сортов и образцов картофеля для позднего посева в условиях
Андижанской области**

Ахмадали Аббосбек

*Ассистент Андижанского сельского хозяйства и агротехнологии
Института интенсивного овощеводства, садоводства,
виноградарство и тепличное хозяйство»
Андижан, Узбекистан*

Анотация. Мақолада нав катигорияларига тушунча, юқори ва сифатли ҳосил олишда навнинг ахамияти ҳамда навларни маҳсулдорлигидан фойдаланиш даражаси баён этилган. Картошка нав – намуналарининг ер устки қисмини айниш касалигининг турлари билан зарарланиши ёритилган. Картошка нав-намуналари ҳосилдорлиги ва уларнинг таварбоплик сифати тўғрисида маълумотлар берилган.

Калит сўзи: навлар, айниш, ўсув даврида, яшовчанлик, ялпи ҳосил.

Annotation. In the article the concept of grade, categories of grade ,impotence of good quality, the degree of use of potential productivity of grades are stated. Lightened the growth and development of over-ground part of potato grades and also their infection by different deceases of degeneration. The data on potato grades yielding and their commodity qualities at summer planting are given.

Keywords: varieties, nausea, growth period, viability, gross yield.

Кириш. Мустақиллик йилларида аҳолини турмуш шароитини яхшилаш, биринчи навбатда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш масаласига ҳукуматимиз томонидан катта

этибор қаратилмоқда. Аҳолимизни озиқ-овқат билан етарли даражада таъминлашда картошканинг аҳамияти каттадир.

Ўзбекистон мустақилликга эришгунича аҳолини талаби Россия ва Белоруссиядан келтирилган картошка ҳисобига қондирилар эди. Мустақилликнинг биринчи йилларида етиштирилган картошка ҳосили аҳоли сон бошига 16 кг дан 23 кг.га кўпайди, лекин бунга етиштириладиган майдонларнинг кенгайтириш ҳисобига эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1996 йил 30 августда «Картошқачиликда бозор муносабатларини чуқурлаштириш ва республикада картошка етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 301 сонли қарорини қабул қилганидан сўнг, 1997 йилнинг ўзида картошканинг ялпи ҳосили 692 минг тоннани ташкил этиб, картошкани етиштириш аҳоли бош сонига 30 кг гача етиб, четдан истеъмолбоп картошка келтиришга чек қўйилди.

2019 йилда бу қиммат баҳо ўсимликдан олинган ялпи маҳсулот 2.9 млн тоннадан ошди, бу хар бир истеъмолчига 68-71 кг дан тўғри келади. Бунга, ишлаб чиқаришга картошканинг серҳосил, юқори ҳарорат ва касалликларга чидамли навларини татбиқ этиш ва янги агротехнологияларни қўллаш ҳисобига эришилди.

Нав – картошка етиштириш технологиясининг муҳим элементи.

Барчага маълумки, картошка ҳосилдорлиги маълум даражада экиладиган навлар, уларнинг маҳсулдорлиги, етиштириладиган маҳаллий шароитига мослашганлигига боғлиқ бўлади.

Нав ўсимликларни касалликларга чидамлилиги, ҳосилни чиқиш муддати, товарлик сифати ва кимёвий таркибини белгилайди.

Нав тур ичидаги ботаник систематик бирлик эмас, бу аниқ хўжалик тушунчасидир. Нав инсон томонидан аниқ шароитда етиштириладиган қимматли хўжаликка белгиларига эга бўлган ўсимликлар гурухидир.(3,4)

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августдаги “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги қонунда “нав” тушунчаси қуйидагича таърифланган:

“Нав” – ўсимликлар гурухи бўлиб, у наслдан – наслга барқарор ўтувчи, муайян генотип ёки генотиплар комбекциясини бошқалардан ажратиб турувчи белгиларга қараб аниқланади ва айна бир ботаник таснифидаги бошқа ўсимликлар гурухидан бир ёки бир неча белгилари билан фарқланади. Клон, линия, биринчи авлод дурагайи популяция навнинг мухофаза қилинадиган объектларидир.

Шундек қилиб, турли экинларда нав табиати турлича бўлиши мумкин. Ишлаб чиқишда етиштирилаётган картошка навлари бир ўсимлик авлоди бўлиши билан бирга ўзида бир ёки бир неча турлар белгиларини сақлайди.

Адабиётлар маълумотларига кўра ишлаб чиқаришга юқори махсулдор навларни татбиқ этиш кўшимча харажатларсиз картошка ҳосилдорлигини 10-30 фоизга кўпайиши билан бирга, ҳосил сифати яхшиланар экан.

Картошка навини тўғри танлаш – бу нафақат ҳосилни кўпайтириш йўли, балки ер, иқлим шароит меҳнат ҳамда мавжуд техник ресурслардан унумли фойдаланишда асосий восита вазифасини бажаради.

Республикамиз иқлим шароитида ёз-куз муддатда етиштириладиган картошка навларини танлаш бўйича кўп сондаги дала тажрибалари ўтказилган бўлиб, муаллифлар ёз фаслида картошкани барча навларини уларни эртаги, ўртаги ёки кечпишарлигини ҳисобга олган ҳолда экиш муддатларини тўғри танлаш ҳисобига юқори ҳосил олиш мумкинлиги тўғрисида хабар қилинганлар.(5,6,7,8)

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқган ҳолда ёз муддатда экиш учун картошка навини аниқ танлаш уни ҳосилдорлиги ва сифатини оширишда назарий ва амалий жиҳатдан ката аҳамиятга эга бўлган долзарб масалалардан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Услуб ва материаллар. Қўйилган мақсадни ҳал этиш учун 2021 йил ёз-куз муддатида дала тажрибалари Андижон вилояти Жалақудук

тумани “Сарварбек далалари” фермер хўжалиги шароитида тасдиқланган режа асосида ўтказилди.

Тажрибада картошкани Санте-st, Кондор, Марфона, Романо ва Курода навлари синалди. Дала тажрибалари фенологик, биометрик кузатувлар, ҳосилдорлиги ва уни сифатини ҳисобга олиш билан амалга оширилди. Барча дала тажрибалари тўрт такрорланишда ўтказилди. Олинган маълумотлар амалдаги услубий қўлланмалар асосида таҳлил қилинди.

Синалган картошка нав-намуналарининг ниҳол ҳосил қилиши-ҳато миқдори турлича бўлди. Яни, стандарт нав Сантеда хата миқдори ниҳоллар тўлиқ ҳосил бўлганидан сўнг 4,2 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич Кондор ва Курода навларида эса стандарт навига нисбатан 1,1-1,2 фоизга кам бўлди. Марфона ва Романо навлари хата миқдори (4,4; 4,1%) стандарт нав хата миқдорига яқин бўлди.

Ўрганилган картошка нав-намуналари, нафақат, ниҳол ҳосил қилишлари бўйича, балки ўсимликларини ўсув даврида яшовчанлиги бўйича ҳам биринчи -иккинчисидан фарқ қилди.

Синалган картошка навларидан Кондор ва Куродаларни ўсув даврида нобут бўлган ниҳоллари миқдори стандарт Санте нав ниҳолларига нисбатан яшовчанлиги 1,1 фоизга юқори бўлишлиги тажрибамизда аниқланди. Марфона ва Романо навлари ниҳолларининг ўсув даврида нобут бўлганлари миқдори стандарт нав кўрсаткичига ўхшаш бўлди(1,9; 2,2%).

Демак, ўрганилган картошка нав намуналаридан Кондор ва Курода, бошқа нав ҳамда стандартга нисбатан ўсув даврида яшовчанлиги жихатидан сезиларли даражада юқори турар экан.

Ўрганилган картошка нав-намуналари ичида ҳар тупда ўртача (4,1 дона) ва гектарда энг кўп (195242 дона) пояни стандарт Санте нави шакллантирди. Қолган навлар стандарт навга нисбатан ҳар тупда: Кондор-2,3; Марфона-2,0; Романо-1,0 ва Курода нави эса-1,3 донага кам поя ҳосил қилди. Булар ўз навбатида гектаридаги умумий поялар сонини камайишига олиб келди. Жумладан, Кондор навининг гектарида ҳосил қилган поялари сони стандарт

нав поялари сонига нисбатан 109526 ва Марфона навида эса 95240 донага кам бўлганлиги маълум бўлди. Романо ва Курода навларининг гектарда ҳосил қилган поялари сони Кондор ҳамда Марфонага нисбатан кўп(61906 ва 47620 донага) аммо, стандарт Сантега нисбатан эса 47620 ва 61906 донага кам бўлди.

Хулоса

Ўтказилган дал тажрибалари натижаларга асосланиб қуйидаги хулосани чиқариш мумкин:

- ёз фаслида картошканинг Кондор, Романо ва Курода навларини экилса хата миқдорини кескин камайишига ва бақуват ривожланган ўсимликлар ҳосил қилишга эришилади;

- Кондор, Романо ва Курода навлари айнаш касаликларининг турлари билан ёз фаслида кам зарарланар экан;

- кечки муддатда юқори ва сифатли ҳосил олиш учун картошкани Курода, Романо ва Кондор навларини экиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1996 йил 30 августда «Картошкачиликда бозор муносабатларини чуқурлаштириш ва республикада картошка етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 301 сонли қарори.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августдаги “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги қонун

3. Анисимов Б.В. Элитное семеноводство картофеля обеспечение качества в процессе производства. Ситуация в России и международный опыт Научные труды ВНИИКХ – Москва 2001-С19 – 35.

4. Будин К.З. Культурные виды картофеля России, Т.1-Москва, Редакция «Достижения науки и техники АПК», 2003-ЯС12-15.

5. Костина Л.И., Жолудкова З.П. Селекционные сорта картофеля культурная флора СССР т/х – Картофель-Ленинград, Колос, 1970- С 305-309. 305-309.

6. Молчанова Е.Я., Казин С.В. Правильно выбирайте сорта Картофель и овощи – Москва 2002-№3-С27.